

ТАЪЗИЯ



10:00 / 03.11.2020 1786

«Ҳилол» нашриёт-матбааси ҳамда Исл.уз портали жамоаси манбашунос олим, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов вафотлари муносабати билан чуқур ва самимий таъзия изҳор этади.

Ушбу оғир дамларда марҳумнинг аҳли байтларига, Аллоҳ таолодан сабру жамил тилаймиз.

Убайдулла Уватов 1940 йил 23 февралда Қашқадарё вилояти Ғузор туманида таваллуд топган. 1958-1964 йилларда Тошкент давлат университети талабаси бўлган. Миср, Ироқ ва Ливия мамлакатларида таржимонлик фаолияти билан шуғулланган.

Убайдулла Уватов ҳукумат юқори ташкилотларида масъул лавозимларда фаолият юритган. Илмий фаолияти давомида юртимиз алломалари

тўғрисида биринчилардан бўлиб тадқиқотлар олиб бориб, 200 дан ошиқ мақола, 50 га яқин китоб ва рисоалар тайёрлаган, кўплаб шогирдлар етиштирган. Убайдулла Уватов «Меҳнат шуҳрати» ордени ва «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан тақдирланган. 2017 йилдан Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказига раҳбарлик қилган.

Аллоҳ таоло марҳумнинг барча хайрли ишларини, солиҳ амалларини ҳусни қабул айлаб, Ўз мағфиратига олсин, охиратларини обод қилсин.

«Сабрлиларга хушxabар берингки, улар ўзларига мусибат етганда «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз», деганлардир».

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

«Биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз»,

Islom.uz портали